

Шаржа шаҳрида Ислом санъати кўргазмаси ўтказилмоқда



11:40 / 05.05.2021 1346

БААнинг Шаржа шаҳрида Ислом санъати ва тарихига бағишланган «Шарқдан эртаклар» кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Бу ҳақда [gulf news](#) манбасига таяниб, [iqna.ir](#) хабар беради.

Image not found or type unknown



Кўргазма бешта бўлимга бўлинган. Бўлимларнинг бирида энг қадимий Қуръон қўлёзмалари тақдим этилган. Ушбу Қуръонлар асрлар давомида Ислom хаттотлигини акс эттиради.

Image not found or type unknown



Бундан ташқари, бир неча асрларга оид ёзма материаллар ва нодир буюмларнинг кенг тўплами намойиш этилган. Улардан баъзилари Бирлашган Араб Амирликларининг соғлиқни сақлаш вазири доктор Абдул Раҳмон бин Муҳаммад Ал Увайсининг шахсий коллекциясидан олинган.

Хуршид Маъруф тайёрлади